



INNOVATION IQTISODIYOT

Ilmiy-amaliy elektron jurnal

2026

№3

ИННОВАЦИОННАЯ ЭКОНОМИКА

Научно-практический электронный журнал

INNOVATIVE ECONOMY

Scientific and practical electronic journal



Indexlanadigan bazalar:  Google Scholar  Crossref  OpenAIRE  CYBERLENIKA



INNOVATION IQTISODIYOT

ILMIY-AMALIY
ELEKTRON JURNAL

3-jild
3-son
March, 2026

February, 2026
Volume 3
Number 3

ИННОВАЦИОННАЯ
ЭКОНОМИКА
Научно-практический
электронный журнал

INNOVATIVE ECONOMY
Electronic scientific and
practical journal



INNOVATSION IQTISODIYOT

ILMIY-AMALIY ELEKTRON JURNAL

ISSN: 3030-315X

ojs.kstu.uz

Muassis:

Qarshi davlat texnika universiteti

Tahririyat Kengashi raisi:

R.X.Ergashev, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Tahririyat Kengashi raisi o‘rinbosari:

S.N.Xamrayeva, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Mas’ul muharrir:

N.A.Ochilova, PhD, dotsent

Texnik muharrir:

S.J.Qulmurotov

Jurnal har oyda bir marotaba elektron shaklda jurnalning rasmiy sayti orqali nashr etiladi.

Tahririyat manzili:

180100, Qarshi shahri, Mustaqillik ko‘chasi 225-uy Tel.:

+998 (75) 221 09 23

+998 (93) 902 72 63

Faks: +998 (75) 221 1395

innoeconomic@kstu.uz

“Innovatsion iqtisodiyot” ilmiy - amaliy elektron jurnali O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi huzuridagi **Oliy attestatsiya komissiyasi rayosatining 2025-yil 5-apreldagi 369-sonli qarori** bilan milliy ilmiy nashrlar ro‘yxatiga kiritilgan.

Jurnalda quyidagi ruknlar asosida maqolalar nashr etiladi:

1. Nazariya va metodologiya
2. Raqamli iqtisodiyot
3. Mintaqa va tarmoqlar iqtisodiyoti
4. Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik
5. Inson kapitali iqtisodiyoti
6. Menejment va marketing
7. Buxgalteriya hisobi, iqtisodiy tahlil va audit
8. Moliya, kredit va investitsiya
9. Ekonometrika va statistika
10. Xizmat ko‘rsatish va turizm sohasi

TAHRIRIYAT KENGASHI:

Tahririyat Kengashining xalqaro a'zolari:

Ovchinnikov Viktor Nikolayevich - i.f.d., professor, akademik (Janubiy Federal Universitet, Rossiya)

Solodovnikov Sergiy Yurevich - i.f.d., professor (Belorussiya milliy texnika universiteti)

Sidorov Viktor Aleksandrovich - i.f.d., professor, (Kuban davlat universiteti)

Shevchenko Igor Viktorovich - i.f.d., professor (Kuban davlat universiteti, Rossiya)

Kusainov Xalel Xaymullievich – i.f.d., professor, akademik (Qozog‘iston Respublikasi Milliy fanlar akademiyasi)

Samandarzoda Iskandar Hakim - Iqtisodiyot fanlari doktori (Sh.Shotemur nomidagi Tojikiston agrar universiteti)

Gibadullin Artur Arturovich - i.f.n. dotsent (Milliy tadqiqot universiteti, Moskva energetika instituti, Rossiya)

Sergey Aleksandrovich Voynash - ilmiy xodim (P.Lumumbi nomidagi Rossiya xalqlar do‘stligi universiteti)

Valentina Nikolayevna Pulyayeva - iqtisod fanlari nomzodi, dotsent (Rossiya Federatsiyasi hukumati qoshidagi Moliya universiteti)

Dmitriy Evgenievich Morkovkin, iqtisod fanlari nomzodi, dotsent (Moliya universiteti, Rossiya Federatsiyasi hukumati)

Sadriddinov Manuchehr Islomiddinovich - i.f.d., professor, (Tojikiston Respublikasi Milliy fanlar Akademiyasi)

Perskaya Viktoriya Vadimovna - i.f.d., professor, (Rossiya Federatsiyasi hukumati huzuridagi Moliya universiteti)

Molchanov Igor Nikolayevich - i.f.d., professor, (Lomonosov nomidagi Moskva davlat universiteti)

Basova Mariya Mixaylovna - i.f.d., professor, (Rossiya Federatsiyasi hukumati huzuridagi Moliya universiteti)

Aleksandr Leonidovich Chupin, iqtisod fanlari nomzodi (P.Lumumbi nomidagi Rossiya xalqlar do‘stligi universiteti)

Nezamaykin Valeriy Nikolayevich - i.f.d., professor, (Rossiya davlat gumanitar universiteti)

Nikonorova Alla Vladimirovna - i.f.n., dotsent, (Rossiya Federatsiyasi hukumati huzuridagi Moliya universiteti)

Dmitriyeva Olga Aleksandrovna - i.f.n., dotsent, (Rossiya Federatsiyasi hukumati huzuridagi Moliya universiteti)

Shvets Yuriy Yuryevich - i.f.n., dotsent, (Rossiya Fanlar akademiyasining Nazorat fanlari instituti)

Kolosova Yelena Valeryevna - i.f.n., dotsent, (Plexanov nomidagi Rossiya iqtisodiyot universiteti)

Tahririyat Kengashi a'zolari:

Gulyamov Saidaxror Saidaxmedovich - i.f.d., professor, akademik (Pardayev Mamayunus Qarshiboyevich - i.f.d., professor)

Navruz-zoda Baxtiyor Negmatovich - i.f.d., professor

Xatamov Ochildi Qurbonovich- i.f.d., professor

Fayziyeva Shirin Shodmonovna- i.f.n., professor

Jumayeva Gulrux Jo'raqulovna - i.f.n., professor

Egamberdiyeva Salima Raimovna - i.f.n., dotsent

Erkayeva Gulbahor Panjiyevna - i.f.n., professor

Yakubova Shamshinur Shuxratovna - i.f.d., (DSc) dotsent

Amirqulov Shuhrat Olimovich - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Samiyeva Gulnoza Toxirovna-i.f.f.d., (PhD), dotsent

Aliqulov Azamat Tuyg'unovich -i.f.f.d., (PhD), dotsent

Aminov Fazlitdin Baxadirovich- i.f.n., dotsent

Xo'jaqulova Nigora Rustamovna - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Turobov Sherzod Alisherovich - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Alimova Munisa Yulchiyevna - i.f.f.d. (PhD) dotsent

Ergasheva Nasiba Raxmatullayevna - i.f.d., (DSc), dotsent

Boboqulov Sanjar Baxromkulovich - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Djalilov Raxmonkul Hamidovich - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Nomazov Baxrom Bobomurodovich - i.f.f.d. (PhD) dotsent

Alimxanova Nigora Alimxanovna - i.f.f.d. (PhD) dotsent

Jonuzokov Mirzabek Kulmamatovich - i.f.f.d. (PhD), dotsent

Muxammadiyeva Yulduz Yusupovna - i.f.f.d. (PhD)

Tursunova Aziza Xoshimovna - i.f.f.d. (PhD)

Xolliyev Sherali Baxtiyorovich - i.f.f.d. (PhD)

Panjiyev Samijon Aliqulovich - PhD, dotsent



ИННОВАЦИОННАЯ ЭКОНОМИКА

Научно-практический электронный журнал

ISSN: 3030-315X

ojs.kstu.uz

Учредитель:

**Каршинский государственный технический
университет**

Председатель редакционного совета:

Р.Х.Эргашев, доктор экономических наук, профессор

Заместитель председателя редакционного совета:

С.Н.Хамраева, доктор экономических наук,
профессор

Ответственный редактор:

Н.А.Очилова, PhD, доцент

Технический редактор:

С.Ж.Кулмуротов

Журнал издается один раз в месяц в
электронной форме и публикуется через
официальный сайт журнала.

Адрес редакции:

180100, г. Карши, ул. Мустакиллик, дом 225

Тел: +998 (75) 221 09 23

+998 (93) 902 72 63

Факс: +998 (75) 221 1395

E-mail: innoeconomic@kstu.uz

Научно-практический электронный журнал
«Инновационная экономика» включён в перечень
национальных научных изданий на основании
решения Президиума Высшей аттестационной
комиссии при Министерстве высшего образования,
науки и инноваций Республики Узбекистан от 5
апреля 2025 года № 369.

**В журнале публикуются статьи по
следующим рубрикам:**

1. Теория и методология
2. Цифровая экономика
3. Экономика регионов и отраслей
4. Малый бизнес и частное
предпринимательство
5. Экономика человеческого капитала
6. Менеджмент и маркетинг
7. Бухгалтерский учет, экономический анализ и
аудит
8. Финансы, кредит и инвестиции
9. Эконометрика и статистика
10. Сфера услуг и туризм

Редакционная коллегия:

Международные члены Совета редколлегии:

Овчинников Виктор Николаевич - д.э.н., профессор, академик
(Южный федеральный университет, Россия)
Солодовников Сергей Юрьевич - д.э.н., профессор
(Белорусский национальный технический университет)
Виктор Александрович Сидоров - д.э.н., профессор,
(Кубанский государственный университет)
Шевченко Игорь Викторович - д.э.н., профессор (Кубанский
государственный университет)
Кусаинов Халел Хаймуллович - д.э.н., профессор, академик
(НААН Республика Казахстан)
Самандарзода Искандар Хаким - д.э.н., профессор
(Таджикистанский аграрный университет им. Ш.
Шотемура)
Гибатуллин Артур Артурович - к.э.н., доцент
(Национальный исследовательский университет
«Московский энергетический институт»)
Войнаш Сергей Александрович - научный сотрудник
(Российского университета дружбы народов имени
П.Лумумби)
Пуляева Валентина Николаевна - к.э.н., доцент
(Финансовый университет при Правительстве РФ)
Морковкин Дмитрий Евгеньевич - к.э.н., доцент
(Финансовый университет Правительство РФ)
Садриддинов Манучехр Исламиддинович - д.э.н.,
профессор (Национальная академия наук Республики
Таджикистан)
Перская Виктория Вадимовна - д.э.н., профессор
(Финансовый университет при Правительстве РФ)
Молчанов Игорь Николаевич - д.э.н., профессор (Московский
государственный университет имени М.В. Ломоносова)
Басова Мария Михайловна - д.э.н., профессор
(Финансового университета Российской Федерации)
Чупин Александр Леонидович - к.э.н. (Российского
университета дружбы народов имени П. Лумумби)
Незаймакин Валерий Николаевич - д.э.н., профессор (РГТУ)
Никонорова Алла Владимировна - к.э.н., доцент
(Финансового университета Российской Федерации)
Дмитриева Ольга Александровна - к.э.н., доцент
(Финансового университета Российской Федерации)
Швец Юрий Юрьевич - к.э.н., доцент (Институт проблем
управления РАН)
Колосова Елена Валерьевна - к.э.н., доцент (Российский
экономический университет имени Г.В. Плеханова)

Члены Совета редколлегии:

Гулямов Саидхорр Саидхмедович - д.э.н., профессор,
академик
Пардаев Мамаюнус Каршибоевич - д.э.н., профессор
Навруз-зода Бахтиёр Негматович - д.э.н., профессор
Хатамов Очилди Курбанович - д.э.н., профессор
Файзиева Ширин Шодмоновна - к.э.н., профессор
Жумаева Гулрух Журакуловна - к.э.н., профессор
Эгамбердиева Салима Раимовна - к.э.н., доцент
Еркаева Гулбахор Панжиевна - к.э.н., профессор
Якубова Шаминаур Шухратовна - д.э.н., (DSc), доцент
Амиркулов Шухрат Олимович - д.ф.э.н., (PhD), доцент
Самиева Гулноза Тохировна - д.ф.э.наук., (PhD), доцент
Алигулов Азамат Туйгунович - д.ф.э.н., (PhD), доцент
Аминов Фазлитдин Бахадирович - к.э.н., доцент
Хужакулова Нигора Рустамовна - д.ф.э.н., (PhD), доцент
Туробов Шерзод Алишерович - д.ф.э.н., (PhD), доцент
Алимова Муниса Юльчиевна - д.ф.э.н., (PhD), доцент
Эрашиева Насиба Рахматуллаевна - д.э.н., (DSc), доцент
Бобокулов Санжар Бахромкулович - д.ф.э.н., (PhD), доцент
Джалилов Рахмонкул Хамидович - д.ф.э., (PhD), доцент
Номазов Бахром Бобомуродович - д.ф.э.н., (PhD), доцент
Алимханова Нигора Алимхановна - д.ф.э.н., (PhD), доцент
Джанузакон Мирзабек Кулмаматович - д.ф.э.н., (PhD),
доцент
Мухаммадиева Юлдуз Юсуповна - д.ф.э.н., (PhD)
Турсунова Азиза Хошимовна - д.ф.э.н., (PhD)
Холлиев Шерали Бахтиёрович - д.ф.э.н., (PhD)
Панджиев Самиджон Аликулич - PhD, доцент



Menejment va marketing
Management and marketing
Менеджмент и маркетинг



МОЛИЯВИЙ МУСТАҚИЛ ДАВЛАТ ОТМЛАРИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ШАКЛЛАРИ

Адизов Бобир Бахтиёрвич

ХАРАКТЕРИСТИКИ И ФОРМЫ КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ ФИНАНСОВО НЕЗАВИСИМЫХ ГОСУДАРСТВЕННЫХ СУБЪЕКТОВ

Адизов Бобир Бахтиёрвич

CHARACTERISTICS AND FORMS OF COMPETITIVENESS OF FINANCIALLY INDEPENDENT STATE ENTITIES

Bobir Bakhtiyorovich Adizov

Received: March 10, 2026 Revised: March 12, 2026 Accepted: March 18, 2026 Published: April 1, 2026

Аннотация: Мақола молиявий мустақил давлат олий таълим муассасалари (ОТМ) рақобатбардошлигининг иқтисодий моҳияти, ўзига хос хусусиятлари ва намоён бўлиш шакллари ёритишга бағишланган. Унда ОТМлар рақобатбардошлигини ўрганишга оид турли илмий ёндашувлар (иқтисодий, рейтинг ва индикаторлар асосидаги, институционал, инновация-илмий) тизимлаштирилиб, қиёсий таҳлил қилинган. Шунингдек, мавжуд ёндашувлар асосида муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган ҳамда ОТМ ва ишлаб чиқариш корхоналари рақобатбардошлигининг қиёсий таҳлили келтирилган. Тадқиқот натижасида молиявий мустақил ОТМлар рақобатбардошлигининг "Мутнис" (мутлак ва нисбий рақобатбардошлик) гибрид модели таклиф этилган.

Калит сўзлар: олий таълим муассасаси, рақобатбардошлик, молиявий мустақиллик, иқтисодий ёндашув, институционал ёндашув, инновация фаолият, "Мутнис" модели, рақобатбарқарорлик.

Аннотация: Статья посвящена выяснению экономической сущности, специфических характеристик и форм проявления конкурентоспособности финансово независимых государственных высших учебных заведений (ВУЗов). Систематизированы и сопоставлены различные научные подходы к изучению конкурентоспособности ВУЗов (экономический, рейтингово-индикаторный, институциональный, инновационно-исследовательский). На основе существующих подходов разработано авторское определение, а также представлен сравнительный анализ конкурентоспособности ВУЗов и производственных предприятий. В результате исследования предложена гибридная модель конкурентоспособности финансово независимых государственных вузов – "Мутнис" (абсолютная и относительная конкурентоспособность).

Ключевые слова: высшее учебное заведение, конкурентоспособность, финансовая независимость, экономический подход, институциональный подход, инновационная деятельность, модель "Мутнис", конкурентоспособность.

Abstract: This article is devoted to elucidating the economic essence, specific characteristics, and manifestations of the competitiveness of financially independent state higher education institutions (HEIs). Different scientific approaches (economic, rating and indicator-based, institutional, innovation-research) related to the study of the competitiveness of HEIs are systematized and compared. Furthermore, based on existing approaches, an author's definition has been developed, and a comparative analysis of the competitiveness of



HEIs and manufacturing enterprises is presented. As a result of the research, the "Mutnis" (absolute and relative competitiveness) hybrid model of competitiveness for financially independent HEIs is proposed.

Keywords: higher education institution, competitiveness, financial independence, economic approach, institutional approach, innovation activity, "Mutnis" model, competition stability.

■ КИРИШ

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва рақамли трансформацияси шароитида олий таълим тизими туб ўзгаришларни бошдан кечирмоқда. Таълим хизматлари бозорининг либераллашуви, ОТМларнинг молиявий мустақиллигининг кенгайиши ҳамда халқаро академик ҳамкорликнинг чуқурлашуви университетлар ўртасидаги рақобатни тубдан янги bosқичга кўтарди. Бу эса, ўз навбатида, ОТМлар рақобатбардошлигини таъминлаш масаласини долзарб илмий-амалий муаммога айлантирмоқда.

“Рақобатбардошлик” тушунчаси маҳсулот ва хизматлар бозорида хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобат устунликларини ифода этувчи муҳим иқтисодий кўрсаткичдир. Олий таълим тизимида эса рақобатбардошлик ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, у ижодий ҳамкорлик қилиш қобилияти ёхуд “рақобатбарқарорлик” билан чамбарчас боғлиқ. Айниқса, молиявий мустақилликка эга бўлган давлат ОТМлари учун рақобатбардошлик нафақат бозордаги ўрнини сақлаб қолиш, балки инсон капиталини ривожлантириш, инновация ва илмий-тадқиқот фаолиятини жадаллаштириш орқали узок муддатли барқарор ривожланишни кафолатлаш демакдир.

Мазкур мақоланинг мақсади – молиявий мустақил давлат ОТМлари рақобатбардошлигининг иқтисодий моҳиятини очиб бериш, мавжуд илмий-назарий ёндашувларни тизимлаштириш ва муаллифлик таърифи ҳамда рақобатбардошлик моделини ишлаб чиқишдан иборат.

■ АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

ОТМлар рақобатбардошлиги масаласини тадқиқ этишга бағишланган турли илмий ёндашувлар мавжуд бўлиб, уларни тўртта асосий гуруҳга ажратиш мумкин: иқтисодий ёндашув, рейтинг ва индикаторлар асосидаги ёндашув, институционал ёндашув ҳамда инновация ва илмий-тадқиқот ёндашуви.

Иқтисодий ёндашув асосчиси М.Портер томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, унинг классик рақобатбардошлик моделлари (Бешта рақобат куч модели, Олмос модели, Қиймат занжири таҳлили) таълим соҳасига мослаштирилган [6]. Бу ёндашув бозор талабларига жавоб бера олиш, ресурслардан самарали фойдаланиш ва меҳнат бозори учун рақобатбардош кадрлар тайёрлашга асосланади.

Институционал ёндашув эса Б.Р.Кларк номи билан боғлиқ бўлиб, унинг “тадбиркорлик университети” концепцияси ОТМларнинг ташкилий мослашувчанлиги, автономияси ва молиявий манбалар диверсификацияси рақобатбардошликнинг асосий омиллари эканлигини таъкидлайди [4].

Инновация ёндашув асосчиси Г.Ицковиц томонидан ишлаб чиқилган “Учлик спирал” концепцияси университетларни нафақат таълим муассасаси, балки инновациялар маркази сифатида фаолият юритишини асослайди [5].

Россиялик олимлардан Р.А.Фатхутдинов ОТМ рақобатбардошлигини таълим хизматлари ва илмий маҳсулотларни яратишда рақобатчилардан устун туриш қобилияти сифатида тавсифлайди [11].

И.В.Климентьева эса рақобатбардошликнинг нисбийлик хусусиятига эътибор қаратиб, уни оператив, тактик ва стратегик даражаларга ажратади [9]. И.Б.Романова ОТМ рақобатбардошлигини бозор улушини сақлаб қолиш ва кенгайтириш қобилияти билан боғлайди [10].

Ўзбекистонлик тадқиқотчи Д.К.Ғафурова эса ОТМ рақобатбардошлигини унинг истеъмолчиларни жалб қилиш ва сақлаб қолиш қобилияти орқали таърифлайди [7].

■ ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Тадқиқотда тизимли таҳлил, қиёсий таҳлил, таснифлаш, умумлаштириш, илмий абстракциялаш ва моделиллаштириш усулларидан фойдаланилган. ОТМлар рақобатбардошлигига оид мавжуд ёндашувлар тизимлаштирилиб, уларнинг афзаллик ва камчиликлари аниқланган. Шунингдек, ОТМ ва ишлаб чиқариш корхоналари рақобатбардошлигининг қиёсий таҳлили амалга оширилган.

■ ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Таълимнинг глобаллашув шароитида олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш, инсон капиталини кучайтириш, инновация ва илмий-тадқиқот ишларини ривожлантиришда ОТМ рақобатбардошлик даражасини ўрганиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Иқтисодий адабиётларда “ОТМлар рақобатбардошлиги” масаласини тадқиқ қилишга қаратилган турли илмий ёндашувлар мавжуд бўлиб, уларни тўртта қуйидаги гуруҳларга ажратиш тавсифлаш мақсадга мувофиқ (1-жадвал):

ОТМлар рақобатбардошлигини ўрганишда турли ёндашувлар таҳлили²¹

Тур	Ёндашувлар	Хусусияти	Афзал томони	Камчилик-лари	Ёндашув намоёнчаси
1	Иқтисодий ёндашув	Бозор талабларига жавоб бера олиш, ресурслардан самарали фойдаланиш, меҳнат бозори учун рақобатбардош кадрлар тайёрлаш	Молиявий барқарорлиги, таълим хизматлари сифати, талабалар сони ва битирувчиларнинг иш билан таъминланишни тавсифлайди	Таълимнинг ижтимоий функциясини тўлиқ ҳисобга олмаслиги	Майкл Портер[6]
2	Рейтинг ва индикаторлар асосидаги ёндашув	ОТМлар нуфузли халқаро рейтинглар воситасида баҳоланади, бу рейтинглар таълим сифати, тадқиқотлар, халқаро алоқалар ва академик нуфузини ҳисобга олади.	Халқаро таққослаш имконияти, аниқ индикаторлар мавжудлиги	Айрим ҳолларда субъектив эксперт баҳоларига таянади	QS, THE, ARWU рейтинглари
3	Институционал ёндашув	Университет ички бошқарув тизими, стратегияси ва ташкилий салоҳияти асосий омил сифатида қаралади	ОТМни мустақил институционал тизим сифатида кўриб чиқади	Бозор омиллари ва иқтисодий кўрсаткичларга кам эътибор қаратилади	Burton R. Clark[4]
4	Инновatsion ва илмий-тадқиқот ёндашуви	Университетлар таълим муассасаси билан бирга яна инновatsиялар маркази сифатида фаолият юритиши	Илмий мақолалар сони, халқаро журналларда нашрлар, патентлар ва стартаплар, ни илмий грантларни инobatга олади	Битирувчиларнинг меҳнат бозоридаги мавқеи инobatга олинмайди	Henry Etzkowitz[5]

1-жадвалдан кўриниб турибдики, кўриб чиқилаётган ОТМлар рақобатбардошлиги ёндашувлари ўртасида иқтисодий ёндашув муҳим ҳисобланади. Ушбу ёндашув Майкл Портер томонидан тижорат фирмалари учун ишлаб чиқилган классик рақобатбардошлигининг стратегик таҳлил моделларини таълим соҳасига қўллашга асосланган бўлиб, университетларга нисбатан қўлланиладиган учта қуйидаги моделни ўз ичига олади.

1. Бешта рақобатбардош кучни таҳлил қилиш (Five Forces Model).

2. Миллий рақобатбардошликни таҳлил қилиш (Diamond Model).

3. Қиймат занжири таҳлили (Value Chain Analysis).

Рейтинг ва индикаторлар асосидаги ёндашув ОТМ рақобатбардошлигини баҳолашнинг кенг тарқалган ва расмийлаштирилган ёндашувларидан биридир. У университет рақобатбардошлигини унинг фаолият турли жиҳатларини акс эттирувчи рақамли кўрсаткичлар тўплами орқали объектив равишда ўлчаш мумкин деган тахминга асосланади. Мазкур ёндашувнинг моҳияти университетларни чекланган миқдордаги ва квалитетлик (сифатли,

балл билан ўлчанадиган) кўрсаткичлар тўплами асосида таққослашни ўз ичига олади. Ушбу кўрсаткичлар фаолият соҳаси (таълим, тадқиқот, халқаролаштириш ва бошқалар) бўйича гуруҳланади, аҳамиятига қараб баҳоланади ва якуний рейтинг ёки рақобатбардошлик индексида умумлаштирилади. Ушбу ёндашув доирасида университетнинг рақобатбардошлиги, моҳиятан, унинг таълим хизматлари ва илмий тадқиқотлар бозоридаги бошқа иштирокчиларга нисбатан рейтингдаги ўрни ҳисобланади.

Буртон Р. Кларк олий таълим соҳасидаги етакчи социолог бўлиб, унинг институционал ёндашуви университетларнинг рақобатбардош муҳитда қандай муваффақиятга эришишини чуқур тушунишга имкон беради. Унинг ёндашуви университетларнинг ички динамикасини ва уларнинг ташқи муҳит билан ўзаро таъсирини ўрганишга асосланган. Б. Кларк ташкилий ўзгаришлар ва рақобатбардошликнинг яхлит манзарасини яратиш учун бошқа тадқиқотчиларнинг ғояларини синтез қилди. Унинг ёндашувининг асосини тафовутланиш ва рақобатнинг интерпatsiяси, университетларни ўзгартиришда рақобатнинг асосий роли,

²¹Манба: муаллиф ишланмаси.

<https://ojs.kstu.uz/index.php/ej>



“тадбиркорлик университети” модели, макро-контекст сифатида “мувофиқлаштириш учбурчаги” каби элементлари ташкил этади.

Инновatsion ва илмий-тадқиқот ёндашуви америкалик социолог ва тадқиқотчи, “Учлик спирал” концепсиясининг асосчиси Генри Ицковиц (Henry Etzkowitz[5] томонидан тавсия эитлган. Унинг университет рақобатбардошлигини ўрганишга ёндашуви тубдан инновatsion бўлиб, диққатни ички

академик кўрсаткичлардан (нашрлар сони, ўқитиш сифати) университетнинг ташқи иқтисодий ва инновatsion ролига қаратади.

“ОТМ рақобатбардошлиги” кенг тарқалган иқтисодий тушунча бўлиб, тури муаллифлар томонидан турлича таърифланган. Уларнинг баъзиларларини кўриб чиқамиз (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

Турли муаллифлар томонидан “ОТМ рақобатбардошлик” тушунчасига берилган таърифлари

Муаллиф	Таъриф
Michael Porter (АҚШ)	Рақобатбардошлик ташкилотнинг бозордаги устунлиги унинг ресурслари ва стратегиясини самарали бошқариш орқали шаклланади. Ушбу ёндашув университетлар рақобатбардошлигини таҳлил қилишда ҳам қўлланилиб, таълим сифати, илмий тадқиқотлар ва инновatsion фаолият каби омилларни стратегик устунлик манбаи сифатида қараш имконини беради.
Burton R. Clark (Буюк Британия)	Университетларнинг рақобатбардошлиги уларнинг ташкилий мослашувчанлиги, автономияси ва молиявий манбаларининг диверсификациясига боғлиқлигини таъкидлайди.
Р.А. Фатхутдинов (Россия)	Университетнинг рақобатбардошлиги “...унинг: 1) муайян ташқи ёки ички меҳнат бозорида рақобатга бардош бера оладиган мутахассисларни тайёрлаш; 2) бу соҳада рақобатбардош инновatsияларни ишлаб чиқиш; 3) самарали такрор ишлаб чиқариш сиёсатини олиб бориш фаолиятининг барча соҳалари”.
И.В.Климентьева (Россия)	“ОТМ рақобатбардошлиги” - бу мураккаб тушунча бўлиб, ташкилот бошқарувининг тизимлилиги ва сифати, кўрсатилаётган хизматлар сифати, жамоатчилик талаби, инновatsиялар киритиш ва ресурслардан самарали фойдаланиш, рақобатчиларга нисбатан устунликни ривожлантириш қобилияти билан белгиланади.
И.Б. Романова (Россия)	Рақобатбардошлик – бу олий таълим муассасасининг тегишли таълим хизматлари бозоридаги улушини ва ушбу бозорни бошқа субъектлар фойдасига қайта тақсимланишига йўл қўймаслик қобилиятини белгиловчи хусусиятдир.
Гафурова Д.К.[7] (Ўзбекистон)	“ОТМ рақобатбардошлиги деганда - меҳнат бозори ва ижтимоий эҳтиёжларга жавоб берадиган, халқаро таълим стандартларига мос юқори сифатли таълим хизматларини кўрсатиш, илмий тадқиқотларни амалга ошириш, инновatsion ғояларни татбиқ этиш, талабалар ва битирувчиларнинг касбий, ижтимоий ҳамда шахсий салоҳиятини ривожлантириш имконини берадиган ҳолда ўзининг ўзига хослигини сақлаб қолиш, ички ва ташқи бозорда узоқ муддатли устунликка эга бўлиш қобилияти тушунилади”.
Муаллифлик таъриф	Молиявий мустақил давлат ОТМ рақобатбардошлиги – олий таълим муассасасини мутлақ ва нисбий рақобат устунлигини ҳамда билим сифати, малакалий кадрларни тайёрлаш иқтисодий, рейтинг ва индикаторлар асосида, институционал, инновatsion ва илмий-тадқиқот фаолиятларини рақобатбарқарорлигини таъминлайди.

Майкл Портернинг парадигмасига кўра, олий таълим муассасасининг рақобатбардошлиги - бу унинг ички ресурслари ва ваколатларини аниқлаш ва самарали равишда фойдаланиб, таркибий рақобат босими (бешта куч) олдида ноёб қиймат яратиш қобилиятидир, натижада таълим хизматлари бозорида барқарор мавқега эга бўлиш ва рақобатчиларга нисбатан узоқ муддатли устунликларни таъминлайди. Ушбу таъриф рақобатбардошлик статик кўрсаткич эмас, балки университетнинг экологик муаммоларга мослашиш ва ўзининг кучли томонларига асосланган ноёб стратегияни яратиш учун динамик қобилияти эканлигини таъкидлайди.

Бертон Кларк, Майкл Портердан фарқли ўларок, иқтисодий нуктаи назардан “университет

рақобатбардошлиги”нинг тўғридан-тўғри таърифини таклиф қилмаган. Унинг ҳиссаси ташкилий социология ва бошқарув назарияси соҳаларига қаратилган: у университетларнинг ўзгарувчан шароитларга қандай мослашиши ва барқарор ривожланишни таъминлашини ўрганган. Академик мунозарада университет рақобатбардошлиги тушунчаси унинг “тадбиркорлик университети” концепциясидан келиб чиқади.

Бертон Кларкнинг парадигмасида олий таълим муассасасининг рақобатбардошлиги статик кўрсаткич эмас, балки университетнинг ташкилий ўзгаришлар ва ташқи қийинчиликларга тадбиркорлик муносабати учун динамик қобилиятини ифодалайди. Бу имконият университетга ижтимоий талаблар ва унинг



анъанавий имкониятлари ўртасидаги тобора ортиб бораётган номутаносибликни бартараф этиш имконини беради.

Иқтисодиёт ва менежмент соҳасидаги таниқли рус олими, Россия Сифат муаммолари академиясининг академиги Р.А. Фатхутдинов биринчилардан бўлиб университетлар учун ҳам ташкилий рақобатбардошликни бошқариш назариясини тизимли равишда ишлаб чиқди[11]. Унинг ёндашуви техник, иқтисодий ва бошқарув жиҳатларини бирлаштириш, шунингдек, бошқарув жараёнларининг сифатига эътибор қаратиш билан ажралиб туради. Унинг парадигмасида олий таълим муассасасининг рақобатбардошлиги - бу юқори сифатли таълим хизматлари ва илмий маҳсулотларни яратиш ва жорий этишда рақобатчилардан устун туриш қобилиятидир, бу эса мутахассисларни тайёрлаш ҳаёт айланишининг ҳар бир босқичида (касбга йўналтиришдан тортиб ишга жойлашиш ва аспирантурани қўллаб-қувватлашгача) барча бошқарув жараёнларининг юқори сифати билан таъминланади. Фатхутдинов методологиясига асосланиб, университет рақобатбардошлигининг таърифини қуйидагича шакллантириш мумкин:

Олий таълим муассасасининг рақобатбардошлиги унинг ажралмас хусусияти бўлиб, илмий ёндашувлар, иқтисодий қонунлар ва бошқарув тамойилларини тизимли қўллаш орқали ҳаёт циклининг барча босқичларида юқори сифатли мутахассислар тайёрлаш ва илмий тадқиқотларни таъминлаш, ресурслардан самарали фойдаланиш ва шахслар, жамият ва давлат эҳтиёжларини қондиришда бошқа университетларга нисбатан барқарор афзалликларни яратиш қобилиятини акс эттиради.

Рус олимаси И.В.Климентьева ОТМ рақобатбардошлигини мажмуали тушунча сифатида тавсифлаб, унинг нисбийлик хусусиятга эгаллигини ажратиб, муассаса қандай афзалликларга эга бўлса, шундай кўрсаткичларни ўзининг асосий рақобатчилар гуруҳи билан қиёсий таҳлил қилиш, таълим муассасаларининг инвестицион, имиджи, иқтисодий ва молиявий кўрсаткичларини қиёсий баҳолаш амалга оширилишга асосланади, деган хулосага келади. Шунингдек, таъкидлайдики, стратегик рақобатбардошлик кўрсаткичи фақат муассаса узоқ муддатда баҳоланадиган рақобатдош устунликларга эга бўлган вазиятда намоён бўлади. Таълим муассасаларнинг ҳозирги ҳолати рақобатбардошликнинг учта даражаси: оператив (маҳсулот ёки хизматнинг рақобатбардошлигини таъминлаш билан боғлиқ), тактик (муассасанинг умумий ҳолатига тегишли) ва стратегик (муассасанинг инвестицион жозибадорлигини шакллантиришни тавсифлайди) мавжудлигини кўрсатади.

И.В.Климентьеванинг ОТМ рақобатбардошлигига берилган таърифида, бизнинг фикримизча, “рақобатбардошлик” кўрсаткичининг нисбийлик хусусиятига эътибор қаратиб, унинг мутлақ хусусияти четга қолган. Чунки, ОТМнинг рақобат устунлиги биринчи навбатда ўз фаолияти кўрсаткичлари бўйича баҳоланиб, қай даражада

самарадорликка эришилганлигидан боғлиқ бўлади. Ундан сўнгра рақобатчи ОТМлари билан қиёсий таҳлил қилинса мақсадга мувофиқ бўлади[9].

Иқтисодиёт ва олий таълим менежменти соҳасидаги таниқли россиялик тадқиқотчиси Ирина Борисовна Романованинг университет рақобатбардошлигини аниқлашга ёндашуви унинг тизимли табиати ва стратегик бошқарувга урғу бериши билан ажралиб туради. Докторлик диссертацияси ва бир қатор илмий ишларида у университетни бозор иқтисодиётида фаолият юритувчи “бизнес корхонаси” сифатида доимий равишда ривожлантиради. И.Б. Романова ўзининг академик мактабида тадқиқот адабиётларида келтирилган аниқ, оператив таърифни таклиф қилади:

“Рақобатбардошлик - бу олий таълим муассасасининг мулки бўлиб, у муассасага тегишли таълим хизматлари бозоридаги улушини ва бозорни бошқа субъектлар фойдасига қайта тақсимлашнинг олдини олиш қобилиятини белгилайди”. Бу таъриф муҳим хусусиятга эга: у миқдорий жиҳатдан ўлчанади. Рақобатбардошлик бу ерда бозор улуши ва ушбу мавқени сақлаб қолиш қобилияти билан бевосита боғлиқ бўлиб, бу мавҳум фикрлашдан аниқ кўрсаткичлар ва рейтингларга ўтиш имконини беради.

И.Б.Романованинг концепсиясида олий таълим муассасасининг рақобатбардошлиги ёндашувини қуйидагича шакллантириш мумкин: Олий таълим муассасасининг рақобатбардошлиги унинг ажралмас мулки бўлиб, таълим хизматлари бозоридаги улушини сақлаб қолиш ва кенгайтириш, рақобатчилар фойдасига қайта тақсимланишининг олдини олиш қобилиятини акс эттиради. Бу университетнинг бизнес салоҳиятини (ресурс, бошқарув ва маркетинг модуллари) таълим соҳасини глобализатсия, минтақалаштириш ва корпоратсиялаштириш шароитида фаолият юритувчи бизнес корхонаси сифатида стратегик бошқарувга тизимли ёндашувга асосланган ҳолда самарали амалга ошириш орқали таъминланади[10].

Ўзбек тадқиқотчиси Д.К. Гафурова учун ОТМ рақобатбардошлигининг марказий тушунчаси сифатида “университетнинг таълим хизматлари бозоридаги мавқеи (ўрни)” хизмат қилинган. Ушбу мантиққа кўра, муаллиф “Олий таълим муассасасининг рақобатбардошлиги унинг ҳозирги бозордаги мавқеи бўлиб, у истеъмолчиларни (абитуриентлар, талабалар) ва бошқа манфаатдор томонларни (иш берувчилар, ҳукумат) бошқа бозор иштирокчилари билан рақобат муҳитида жалб қилиш қобилияти билан тавсифланади”, деб таъриф беради. Д.К.Гафурованинг диссертация тадқиқотида асосланиб, университетнинг рақобатбардошлиги таърифини қуйидагича шакллантириш мумкин:

Олий таълим муассасасининг рақобатбардошлиги унинг ажралмас хусусияти бўлиб, истеъмолчиларни жалб қилиш ва сақлаб қолиш, иш берувчилар талабаларига риоя қилиш ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишга ҳисса қўшишни таъминлайдиган ташкилий, иқтисодий ва маркетинг чоралари мажмуасини самарали амалга ошириш



орқали миллий (ёки минтақавий) таълим хизматлари бозорида барқарор мавқени эгаллаш ва мустаҳкамлаш қобилиятини акс эттиради. Бу, биргаликда, университетга рақобатчилар билан муваффақиятли рақобатлашиш ва стратегик ривожланиш мақсадларига эришиш имконини беради.

ОТМ рақобатбардошлигига муаллифлик таъриф беришда қуйидаги фикр-ақидаларга таянишни биз маъқул деб ҳисобладик:

Биринчидан, интеграцияланган ёндашувга асослаш. ОТМ рақобатбардошлигига биз унинг 1-жадвалда келтирилган тўрта:

1) иқтисодий (таълим хизматлари ва меҳнат бозорларида самарали фаолият юритиш);

2) илмий-инновация (илмий тадқиқотлар натижадорлиги ва инновациялар);

3) институционал (ОТМ бошқаруви ва ташкилий самарадорлиги);

4) халқаро рейтинг ва индикаторлар компонентларини бир тизимга солган ҳолда интеграллашган ёндашувда ўз таърифимизни бериш саъй-ҳаракатларни қилдик (1-расм).



1-расм. Молиявий мустақил ОТМнинг интеграцияланган рақобатбардошлик модели

Иккинчидан, мажмуали ёндашув. “ОТМ рақобатбардошлиги” тушунчасининг муаллифлик таърифимизда биз унинг бешта қуйидаги таркибий элементлари:


1) таълим сифати ва малакавий кадрлар тайёрлаш;

2) илмий тадқиқот ва илмий салоҳият;

3) бошқарув самарадорлиги;

4) инновация фаолият ва инфратузилма;

5) халқаро ҳамкорликни инобатга олишни мақсадга мувофиқ, деб билдик (2-расм)



2-расм. Молиявий мустақил ОТМ рақобатбардошлигининг таркибий элементлари



Учинчидан, ОТМ рақобатбардошлигининг ўзига хос хусусиятини инобатга олиш. Гап шундаки, моддий иқтисодиёти ва билимлар иқтисодиётида рақобатбардошлик тушунчаси турли мазмун моҳиятга эга. Г.Б. Клейнер фикрига кўра, “агар моддий неъматлар иқтисодиётида ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлиги муҳим бўлса, билимлар иқтисодиётида ҳамкорлик қилиш қобилияти, яъни рақобатбарқарорлик муҳимдир”. ОТМ рақобатбардошлиги ва ишлаб чиқариш

корхонаси рақобатбардошлигини қиёсий таҳлили (3-жадвалга қаранг) асосида биз Молиявий мустақил ОТМ рақобатбардошлигининг иқтисодий мазмунига “рақобатбарқарорлик” (ижодий ҳамкорлик) хусусиятини киритишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисобладик. Бунда, “ОТМ рақобатбарқарорлиги” деганда биз олий таълим муассасаларининг бир-бири билан кооперация ва интеракция ҳамкорликни йўлга қўйишни назарда тутамиз.

3-жадвал

ОТМ рақобатбардошлиги ва ишлаб чиқариш корхонаси рақобатбардошлигини қиёсий таҳлили

Мезонлар	ОТМ рақобатбардошлиги	Корхона рақобатбардошлиги
1. Асосий ресурслари	Профессор-ўқитувчилар, талабалар ва илмий изланувчилар	Меҳнат ресурслари, капитал, технология, ишлаб чиқариш қуввати
2. Мақсад	Таълим сифати, илмий эътироф этиш, мутахассислар тайёрлаш	Фойдани максималлаштириш, бозор улуши, ишлаб чиқариш самарадорлиги
3. Рақобат устунлигининг манбаи	Интеллектуал капитал, педагогик технологиялар, инновациялар	Хом-ашёга кириш, ишлаб чиқариш қўлами
3. Маҳсулот тури	Таълим хизматлари, илмий маҳсулотлар	Моддий товарлар ва/ёки хизматлар
4. Қиймат яратиш механизми	Ўқитиш сифати, тадқиқот, инновация	Ишлаб чиқариш, маркетинг, сотиш, логистика
5. Қиймат яратиш тезлиги	Юқори (рақамли технологиялар ва билим)	Нисбатан секин (ишлаб чиқариш цикллари)
6. Баҳолаш мезонлари	Рейтинглар, нашрлар, битирувчилар, грантлар	Фойда, даромад, бозор улуши, маҳсулдорлик
7. Қўлам	Кўп талабалар ва тадқиқот лойиҳалари; ресурслар ва макон билан чекланган	Қўлам ишлаб чиқариш қуввати ва маҳсулот талабига боғлиқ.
8. Рақобат муҳити	Академик, илмий, таълим	Бозор, тижорат, истеъмолчи

3-жадвалдан кўриниб турибдики, ОТМ ва ишлаб чиқариш корхоналари рақобатбардошлиги 8 та омиллар бўйича фарқ қилади. Бунда, агар ОТМларда интеллектуал капитал ва билимлар асосий омил бўлса, ишлаб чиқариш корхоналарида моддий ресурслар ва бозор механизмлари ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Шунинг учун ҳар икки тизимда рақобатбардошликни ошириш стратегиялари ҳам турлича шаклланади. Бироқ замонавий иқтисодиётда таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш орқали ҳар икки соҳада ҳам юқори самарадорликка эришиш мумкин.

Тўртинчидан, ОТМ рақобатбардошлигини икки томонлама: мутлақ ва нисбий табиатини инобатга олган ҳолда, унинг янгича – “Мутнис” моделини тавсия этиш. Таълимнинг глобаллашуви ва иқтисодиётнинг рақамли трансформацияси

шароитида университетларнинг рақобатбардошлиги энди чизикли кўрсаткич эмас. Бу таълим муассасасининг нафақат рақобатбардош муҳитда ўз ўрнини сақлаб қолиш, балки инсон капиталини ривожлантириш тенденцияларини белгилаш қобилиятини ҳам белгилайдиган кўп ўлчовли тизимга айланиб бормоқда. Бу нуктаи назаридан биз иқтисодиётда рақобатбардошликни диалектик жиҳатдан боғлиқ иккита тоифага: мутлақ (ресурсларга асосланган) ва нисбий (натижага асосланган) бўлишини ўринли деб ҳисоблаймиз.

ОТМнинг мутлақ рақобатбардошлиги - бу рақобатчиларининг фаолиятдан қатъи назар, муассаса эга бўлган ички хусусиятлар, ресурслар ва компетенцияларнинг уйғунлиги ҳисобланади. Мутлақ рақобатбардошлик молиявий мустақил ОТМнинг потенциал кучини белгиловчи "пойдевор"



бўлиб, унинг асосий компонентлари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

1. Интеллектуал капитал (профессор-ўқитувчиларнинг илмий даража ва илмий унвонларга эга бўлганларнинг улуши; профессионал ҳамжамиятда ноёб илмий мактаблар ва тан олинган мутахассисларнинг мавжудлиги; Scopus и Web of Science да иқтибослар индекси ва нашр фаолияти).

2. Модди-техник ва рақамли инфратузилма (замонавий лабораториялар, технопарклар ва инкубаторларнинг мавжудлиги, таълим жараёнини рақамлаштириш даражаси, кампус ва ижтимоий инфратузилманинг сифати).

3. Молиявий барқарорлик (жамғарма маблағларининг ҳажми ва даромад манбаларини диверсификация қилиш, грант маблағлари ва хўжалик олинadиган даромад).

4. Таълим мазмунининг сифати (ўқув дастурларининг миллий ва халқаро аккредитацияси, ўқув дастурларининг ўзига хослиги ва уларнинг илғор технологик талаблар билан уйғунлиги).

Мутлақ рақобатбардошлик қисқа муддатда статик бўлиб, университетнинг автоном субъект сифатидаги "қучини" тавсифлайди. Бироқ, сезиларли ресурсларнинг мавжудлиги, агар улар ташқи натижаларга айлантирилмаса, бозорда етакчиликни қафолатламайди.

ОТМнинг нисбий рақобатбардошлиги - бу фақат маълум бир университетни таълим бозоридаги бошқа иштирокчилар билан таққослаганда намоён бўладиган қийсий хусусиятдир. Бу

рақобатбардошлик курашларида мутлақ салоҳиятдан фойдаланиш самарадорлигини акс эттиради ва қуйидаги параметрлари билан тавсифланиши мумкин:

1. Глобал ва миллий рейтинглардаги (QS, THE, ARWU) позициялари. Бунда, рейтинглар нисбий баҳолашнинг асоси бўлиб, бунда ОТМнинг позицияси рўйхатдаги "қўшнилари" нинг муваффақиятига бевосита боғлиқ.


2. Истеъмолчилар (абитуриентлар) учун жозибадорлиги (ўқишга қабул қилинган талабаларнинг кириш имтихонларидаги ўртача баллиб давлат томонидан молиялаштириладиган ва давлат томонидан молиялаштирилмайдиган битта ўрин учун рақобат халқаро талабалар улуши).

3. Меҳнат бозорида битирувчиларга талаб (битирувдан кейинги биринчи йилдаги бандлик даражаси, битирувчиларнинг ўртача иш ҳақи шу соҳадаги бошқа университетларнинг битирувчилари билан таққослаганда, ОТМнинг иш берувчилар орасида бренд обрўси).

4. ОТМнинг бозор улуши. Мақсадли аудиториянинг маълум бир минтақа ёки таълим сегментидаги нисбий қамрови (масалан, "ИТ мутахассисларини ўқитиш бозори") билан тавсифлаш мумкин.

Юқоридаги тавсияларга асосланган ҳолда биз Молиявий мустақил ОТМ рақобатбардошлигининг янгича, "мутлақ" ва "нисбий" сўзларининг биринчи учта ҳарфларидан шакллантирилган - "Мутнис" гибрид моделини тавсия этамиз (3-расмга қаранг).

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ (ОТМ) РАҚОБАТБАРДОШЛИГИ МОДЕЛИ



3-расм. Молиявий мустақил ОТМ рақобатбардошлигининг "Мутнис" модели.

Молиявий мустақил ОТМ мутлақ ва нисбий "Салоҳият-Амалга ошириш" нисбати билан рақобатбардошлик ўртасидаги боғлиқликни тавсифлаш мумкин (4-жадвал). Бунда:

Молиявий мустақил ОМнинг “Мутнис” рақобатбардошлиги ҳолатлари матрицаси

Ҳолат	Тавсиф	Хавфлар/истикболлар
Юқори Абсолют / Паст Нисбий	“Уйқудаги гигант”: улкан салоҳият, аммо заиф маркетинг ва паст эътироф.	Молиялаштиришнинг етарли эмаслиги сабабли ресурсларни йўқотиш хавфи.
Паст Абсолют / Юқори Нисбий	“Маркетинг пуфаги”: таълим сифати паст бўлган кучли бренд.	Узоқ муддатда обрўнинг муқаррар пасайиши.
Юқори Абсолют / Юқори Нисбий	“Бозор етакчиси”: устунликка эришиш учун ресурслардан самарали фойдаланиш.	Иноватсия орқали етакчиликни сақлаб қолиш.

• Мутлақ рақобатбардошлик асос бўлиб ҳисобланади. Юқори сифатли лабораториялар ва кучли олимлар (ресурслар) бўлмаса, юқори рейтингларга эришиш ёки иш берувчиларнинг ишончини қозониш мумкин эмас.

• Нисбий рақобатбардошлик эса бу устки тузилма ва кўрсаткич ҳисобланади. Бу ОМ раҳбарияти ресурсларни бозор афзалликлари га қанчалик самарали айлантиришини кўрсатади.

Бугунги шароитда ОМларнинг барқарор ривожланишига фақат иккала турдаги рақобатбардошликни уйғунлаштириш орқали эришиш мумкин бўлади. ОМнинг ривожланиш стратегияси мутлақ устунликларни (тадқиқот ва инсон ресурсларига инвестициялар) оширишга қаратилган бўлиши керак, шу билан бирга нисбий кўрсаткичларни (бренд, халқаро эътироф ва ишлаб чиқариш билан алоқалари) фаол равишда ошириб боришга қаратилган ҳаракатлар амалга оширилиши лозим. Бу тоифалар орасидаги тафовут эса академик турғунликка ёки бозор барқарорлигининг йўқолишига олиб келади.

Шундай қилиб, Молиявий мустақил далват ОМ рақобатбардошлиги – бу олий таълим муассасасини мутлақ ва нисбий рақобат устунлигини ҳамда билим сифати, малакалий кадрларни тайёрлаш иқтисодий, рейтинг ва индикаторлар асосида, институционал, иноватсион ва илмий-тадқиқот фаолият турларини рақобатга устунликларини ифода этирувчи иқтисодий кўрсаткичдир.

Muallif (lar) haqida / Сведения об авторе / Author details

Адизов Бобир Бахтиёрович (PhD), доцент Бухоро давлат университети мустақил тадқиқотчиси / Адизов Бобир Бахтиёрович (PhD), доцент, независимый исследователь, Бухарский государственный университет / Adizov Bobir Bakhtiyorovich (PhD), Associate Professor, independent researcher, Bukhara State University

E-mail: adizov.b@mail.ru

ORCID: <https://orcid.org/0009-0002-9534-9872>

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида. № ПФ-5847, 08.10.2019 й.

2. Абдуллаев, А. М. Олий таълим муассасалари молиявий мустақиллигининг иқтисодий самарадорлиги / А. М. Абдуллаев. // Иқтисодиёт ва иноватсион технологиялар. — 2024. — № 3. — Б. 45–58.

3. Хамраев, М. С. Ўзбекистонда олий таълим муассасаларини молиявий қўллаб-қувватлашни мустаҳкамлаш масалалари /М. С. Хамраев. // Иноватсион иқтисодиёт. — 2026. — Т. 1, № 6.

4. Clark, B.R. (1998). Creating Entrepreneurial Universities: Organizational Pathways of Transformation. Oxford: Pergamon Press, 180 p.

5. Etzkowitz, H. (2008). The Triple Helix: University-Industry-Government Innovation in Action. New York: Routledge, 176 p.

6. Porter, M.E. (1990). The Competitive Advantage of Nations. New York: Free Press, 855 p.

7. Гафурова Д.К. (2020). Олий таълим муассасалари рақобатбардошлигини оширишнинг илмий-услубий асослари. Иқтисодиёт фанлари доктори диссертацияси. Тошкент, 256 б.

8. Клейнер, Г.Б. (2008). Стратегия предприятия. Москва: Дело, 568 с.

9. Климентьева, И.В. (2011). Конкурентоспособность высшего учебного заведения как фактор развития региональной экономики. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Тамбов, 24 с.

10. Романова, И.Б. (2008). Управление конкурентоспособностью высшего учебного заведения. Ульяновск: УлГУ, 208 с.

11. Фатхутдинов, Р.А. (2008). Управление конкурентоспособностью организации. Москва: Эксмо, 544 с.



INNOVATION IQTISODIYOT

ILMIY-AMALIY ELEKTRON JURNAL

ISSN: 3030-315X



t.me/kstu_uz



Qarshi shahri,
Mustaqillik ko'chasi 225



www.kstu.uz
www.ojs.kstu.uz